

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 24 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 188 (11.249)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича олтинчи миллий саммит ўз ишینی бошлади. Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиз, Буюк Британия, Германия, Корея Республикаси, Литва, Қирғизистон, Голландия, Россия, Япония ва бошқа давлатлардан жами 400 нафарга яқин вакиллар иштирок этмоқда.

● Республика Олий ҳўжалик судида ҳўжалик судларида божхона ҳақидаги қонун ҳўжатлари қўлланганини амалий жиҳатлари га бағишланган идоралараро давра суҳбати ташкил этилди.

● «Хоразм ипағи» очик акциядорлик жамиятига 241 минг АҚШ доллари миқдориде инвестиция киритилиб, Хитойдан янги замонавий пилла чувши дастохлари келтириб ўрнатилди. Эндиликда бу ерда 114 тонна махсулот ишлаб чиқариш имконияти туғилди.

● «Шўрчи таъмирлаш заводи» масўулияти чекланган жамиятининг чўян эритиш цехида культивация ва сеплка агрегатлари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● «Микрокредитбанк» томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган республика кўрик-танловида Қарши шаҳридаги «Yagen Servis» масўулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳасан Муродов голиб деб топилди.

● Урганч шаҳрида маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Тошкентдаги журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида соҳанинг бугунги долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги 2-Тошкент юридик коллежида «Мустақиллик: маънавият ва тарраққўёт» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда шаҳримиздаги 37-оилавий поликлиника тиббий ходимлари ва коллежининг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.

● Янгиер шаҳрида қайта реконструкция қилиб таъмирланган болалар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Ушбу маскани таъмирлаш ишларига 500 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

● Тошкентда паррандачиликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги паррандачилик фирмалари раҳбарлари ва Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Украина, Тожикистон давлатларининг фирма ва компаниялари мутахассислари иштирок этишди.

ЖАҲОНДА

● Покистон ҳўкумати Исломободдаги «Marriott» меҳмонхонасида содир этилган портлашни текширишда АҚШ ҳўкумати таклиф этган ёрдамни рад этди, дея хабар беради USA Today. Мазкур портлаш оқибатида камида 53 нафар фуқаро қурбон бўлган. Мамлакат ички ишлар вазирлиги қўпурувчиликни «Толибон» ҳаракати жангарилари содир этган, деб гумон қилмоқда.

● ФАТХ Фаластин ҳаракати делегацияси раҳбари Маҳмуд Аббос Кохирада фаластинликлар муаммосини ечиш бўйича музокара олиб боради деб хабар беради РИА Новости. Делегация Фаластин муаммосини бартараф этиш жараёнида воситачилик қилаётган Миср махфий хизмати раҳбари Умар Сулаймон билан учрашиши режалаштирилган.

● Ҳиндистонда муссон туфайли вужудга келган сув тошқинлари оқибатида 119 киши ҳаётдан кўз юмди. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатган. Ҳалок бўлганларнинг кўпчилигини Уттар Прадеш штати аҳолиси ташкил этади. Бу ерда 70 киши табиий офат қурбонига айланган.

● Филиппинда юз берган «Хагупит» довули бир қанча нохушликларни келтириб чиқарган. Табиий офат оқибатида 120 хонадон вайронга айлиниб, мамлакатнинг баъзи туманларида сув тошқини ҳавфи мавжуд. Шунинг учун ҳам мактаб ва мактабгача таълим муассасалари вақтинча ёпиб қўйилган.

● Туркиянинг Измир шаҳрида жойлашган касалхонада бир суткада 13 нафар чақалоқ нобуд бўлган. Бу ҳақда «Sky News» маълум қилади. Мамлакат газеталарида кўрсатилишича, гўдаклар ўлимига уларнинг барвақт туғилгани сабаб бўлган. Ушбу ҳолат юзасидан ҳозирда текширувлар олиб борилмоқда.

● Буюк Британияда бир фунт стерлинг қиймати га тенг тангаларнинг қалбақилантирилиши охири беш йил мобайнида икки бараварга кўпайган ва уларнинг сони айна пайтада 30 миллион донага етган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қалбаки тангалар уюшган жиний гуруҳлар томонидан махсус мураккаб техникалар ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда.

● Бундан бир неча кун аввал Мисрнинг Асуан шаҳри яқинида ўғирлаб кетилган саёҳатчилар озод этилгани ҳақида Миср ташки ишлар вазири Аҳмад Абул Ҳайит ўз баёнотида маълум қилди. Миср оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, жиноятчилар тўрт нафар суданлик фуқаро бўлиб, гаровдагилар учун 15 миллион АҚШ доллари талаб қилишган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

● **КЕЧА** шаҳримизга ташриф буюрган Хитой ишбилармонлари ҳамда маҳаллий тадбиркорлар иштирокида уюштирилган бизнес форумда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида сиёсий, ижтимоий, савдо иқтисодий ҳамда маданий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

● **КЕЧА** шаҳримиз туманларида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

● **КЕЧА** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўтказилган давра суҳбатида ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимини юксалтиришда журналистиканинг ўрни масаласи муҳокама қилинди.

● **КЕЧА** Тошкент ахборот технологиялари университетига ахборот-телекоммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришда талабалар томонидан тайёрланган илмий тадқиқотлар лойиҳаларининг тақдими бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** «Ёшлар» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Лобар қизлар» кўрик-танловида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг бир гуруҳ талаба қизлари ўзаро беллашди.

● **КЕЧА** «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи аъзолари Испанияга гастрол сафарига жўнаб кетишди.

● **БУГУН** «МХСК» стадионида шаҳримизнинг «Бунёдкор» жамоаси Эроннинг «Сайпа» командаси билан Осиё чемпионлар лигаси чорак финалининг такрорий учрашувида ўзаро куч синашди. **КЕЧА** «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ҳар икки жамоа бош мураббийлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжумани «Бунёдкор» ва «Сайпа»нинг такрорий учрашува тайёргарлиги масаласига бағишланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Усмон Юсупов маҳалласида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида у-шу спорт тури бўйича Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган мусобақалар «Соғлом авлод — соғлом келажак» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳўқимчилигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).



ЭНЕРГЕТИКЛАР КўРГАЗМАСИ

«Ўзэкспомарказ»да «Power Uzbekistan – 2008» учинчи Халқаро Ўзбекистон ихтисослашган энергетика кўргазмаси очилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» ихтисослаштирилган бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳўқимлиги ҳамда «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманининг очилишида «Ўзбекэнерго» компанияси раисининг биринчи ўринбосари Б.Абдурахмонов мамлакатимизда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилган ишларни исчилохотлар иқтисодиётининг кўпбалли тармоқлари, жумладан, энергетика саноатининг янада ривожланишига муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тувириш борасида салмоқли муваффақиятларга эришилмоқда. Мамлакатимиз энергетика тизимини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалар учун хориж сармояси жалб этиш мўлжалланмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг барча жабҳаларини, жумладан, энергетика соҳасини янада ривожлантиришга хизмат

қиладиган қўлай сармоявий муҳит яратилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

«2012 йилгача электр энергетика тармоғини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш» дастурига асосан энергия тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришдаги энг

янги технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш ва соҳада халқаро ҳамкорликни мустақамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

«Power Uzbekistan – 2008» кўргазмасида Ўзбекистон, Қозғистон, Россия, Хитой, Германия, Украина, Беларусь ва Туркия каби мамлакатлардан элликдан зиёд фирма ва компания ўз махсулотлари ва хизматларини



таклиф этмоқда. Улар орасида «Dek Elektra», «O'z kabe'l», «O'zelektroapparat Electroshield», «Elus» (Ўзбекистон), «Alageum Electric Astana», «Казтрансформатор» (Қозғистон), «Global Insulator Group», «Интеко», «Электросолиит», «Камкабель», «Инкотекс» (Россия), «Zhejiang Chint Electric» (Хитой), «Teco Electronics Raychem» (Германия), «Запорожтрансформатор», «Преобразователь» (Украина) сингари йирик компаниялар бор.

– Компаниямиз ойна ва чинни изоляторлар ҳамда кўпбал турдаги арматуралар ишлаб чи-

лантириш, электр энергетикаси соҳасида фойдаланишга мўлжалланган илмий янгиликлар ва саноат ускуналарини, энг сўнгги технологик ишланмаларни намойиш этиш, тажриба алмашиш, корхоналар, ташкилотлар, фирма ва компаниялар ўртасидаги кооперация алоқаларини янада кенгайтириш ва шу орқали мамлакатимиз энергетика соҳасини янада тараққий эттиришдан иборатдир.

– Корхонамиз паст вольтли ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди «Dek Elektra» МЧЖ директори Маъмур Умаров. – Ўртимизда тад-



биркорларнинг фаол иш юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилган муваффақиятларимизда муҳим омил бўлмоқда. Мақсадида халқаро талабларга мос махсулотларимиз билан ички ва ташқи бозордаги ўрнимизни янада кенгайтиришдан иборат.

Уч кун дақаради, – дейди Россиянинг «Жанубий Урал арматура-изоляция заводи» ОАЖ маркетинг департаменти директори Евгений Адинов. – «Ўзбекэнерго» компанияси билан бир неча йилдан буён ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ўртимизда хорижлик сармоядорлар билан шериклик учун яратилган қўлай шароит мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳалар қатори энергетика йўналишида ҳам исчило ривожланишига хизмат қилаётди.

Кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришда, қўшма корхоналар ташкил этиш учун зарур шароит яратишга ушбу кўргазманинг аҳамияти катта. Зотан, мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодиётимизни янада ривож-



лантириш, электр энергетикаси соҳасида фойдаланишга мўлжалланган илмий янгиликлар ва саноат ускуналарини, энг сўнгги технологик ишланмаларни намойиш этиш, тажриба алмашиш, корхоналар, ташкилотлар, фирма ва компаниялар ўртасидаги кооперация алоқаларини янада кенгайтириш ва шу орқали мамлакатимиз энергетика соҳасини янада тараққий эттиришдан иборатдир.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ўза муҳбири
СУРАТЛАРДА: кўргазмалар лавзалар
Аъло Абдуллаев (Ўза)
олган суратлар

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

23 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БўЛИБ ўТДИ.

ётган озғак ва ёзма мурожаатларга ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлишга доир ишларни қучайтириш топширилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш жараёнида таъкидландики, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг Президент Ислон Каримов томонидан илгари сурилган стратегик дастурини ҳуқуқий жиҳатдан ўз вақтида ва пухта таъминлаш бугунги кунда парламент олдида турган асосий вазифадир. Пухта қонун ҳўжатлари кенг миқёсда исчилохотларни муваффақиятли ўтказишнинг, мамлакатимизда ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Депутатлар ҳисоботни муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарор қабул қилдилар.

Мудоффа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг аъзоси Ф.Ҳатамов «Қутқарув хизмати ва қутқарув-

чи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар қутқарув хизматлари фаолиятининг исшончли ҳуқуқий базасини яратиш, уларни фақуллода вазиятларни бартараф қилишга жалб этиш, қўйилган вазифаларни ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ёрдам қўрсатилиши муҳимлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳасида аниқ баён қилинган ки, фақуллода вазиятларни бартараф этиш бўйича ишларни бажариш чоғида қутқарув хизматларига зарур моддий ва транспорт воситалари берилиб, улар монеликсиз ўтиш ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари ва алоқа воситаларидан биринчи навбатда таъминланиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Айрим ҳуқуқий нормаларни та-

комиллаштириш мақсадида киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маълумлаш учун Сенатга юборилди.

Иккинчи ўқишда муҳокама қи-

ритилган «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси О.Усаров маъруза қилди. Саволларга жавоблар берилганидан сўнг ҳўжат моддама-модда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида таъкидландики, амалдаги қонун ҳўжжати га тузатишлар ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни янада пухта тартибга солиш, нашриётларни таъсис этиш ҳуқуқини тартибга солишга бир қатор ҳуқуқий нормаларни аниқлаштириш, шунингдек, амалдаги ҳуқуқий нормаларни мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳўжатларига, мазкур соҳадаги халқаро стандартлар қоидаларига мувофиқлаштириш мақсадида киритилмоқда. Депутатлар ҳуқуқий ҳужжати янада тақомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдиридилар. Таклифларни жиҳобга олган ҳолда қонун лойиҳаси муҳокамасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг наватбади мажлисида давом эттиришга қарор қилинди.

(Ўза)

Фестиваллар

ИСТЕЪДОДЛИЛАР
КЎРИГИ

КУНИ КЕЧА «АВИАСОЗЛАР» МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИДА «ЎЗБЕКИСТОН — СЕНИ КУЙЛАЙМАН» ДЕБ НОМЛАНГАН САЊЪАТ ФЕСТИВАЛИНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг 2007 йил 21 августдаги қарорига асосан пойтахт қорхоналари, ташкилотлари ва муассасаларидаги бадий хаваскорлик жамоалари, умидли иждоқдор ёшлар иштирокида ушбу тадбир аниқлаштириш тарзида ўтказилиб келинади. Ушбу санъат фестивалида агросаноат мажмуи, Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, соғлиқни сақлаш, таълим ва фан, «Ўзмет-машсанот» ходимлари касабаси уюшмалари ташкилотлари, шунингдек В.Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида фаолият кўрсатаётган бадий хаваскорлик жамоалари, яққон ижрочилар — санъат фестивалининг мазкур тармоқлар миқёсидаги бошқичи қўлиблари иштирок этдилар.

Ҳозирда кўтаринкилик ва завоқ-шавқ билан ўтказилган ушбу тадбирда ис-

теъдоди ва иқтидорини намойиш этишига интиланган санъат шайдолари ўз маҳоратларини кўрсатиб қатнашчи ва томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Санъат фестивали миллий кўшиқчилик, катта ашула, эстрада кўшиқчилиги, яққон чолғу ва ансамбл ижрочилиги ва рақс санъати йўналишлари бўйича ўтказилиб унда 16 нафар яққон ижрочи ва 33 нафар иждоқдордан иборат бўлган 5 та бадий хаваскорлик жамоалари ва дасталар иштирок этди.

«Ёшлар йили»га бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда қатнашар эканмиз, эртанги ишончи ва умиди бўлган ёшларимизнинг наинки ишда, ўқишда, балки санъат оламида ҳам ўзларига яраша ўрин олишга интилишларининг гувоҳи бўлдик. Катта иштиқ, меҳр-муҳаббат билан ижро этилган куй, кўшиқ ва рақслардан бир олам таассурот олиб, кўнглимиз қувонч ва шодликка тўлди.

— Бундай тадбирларни ўтказиш-



дан мақсад иқтидорли, изланувчан, қобилиятли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб раббатлантиришдир, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов. — Токи билимга чанқоқ, интилувчан, нафақат ишда, балки ҳар томонлама камол топаётган ёшлар бошқаларга ҳам ўрнак бўлиб, изларидан тенгдошларини ҳам эргаштирсинлар, уларни муносиб тақдирлаш эса сизу бизнинг вазифамиз.

Она-Ватан, севги-муҳаббат, дўстлик, тинчлик-тотувликни мадҳ этиб жаранглаган кўшиқ ва яллар тадбирга ниҳоятда кўтаринкилик бахш этиб янграган экан, ҳақамлар хайрати уларни холисона баҳолашга интилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи Рустам Хамидов бош бўлган ҳақамлар хайрати томошабинларнинг қўллаб-қувватлашларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир номинация бўйича баҳо бериб қолибларни эълон қилдилар. Унга кўра мақом йўналиши бўйича Сергейи тумани давлат солиқ инспек-

цияси шўба бошлиғи Аскар Ахоров, аниқлавиқ ижрочилиқ бўйича 283-мактаб ўқитувчиси Фаррух Мирзаев, «Оникс» ОАЖ жамиятининг «Илҳом» жамоаси, яққон чолғу ва ансамбл ижрочилиги йўналиши бўйича «Тошкент ёг-мой» комбинати ОАЖ қўшма корхонаси ходими Саттор Аметов, В.Сивец номидаги «Авиасозлар» маланият ва техника саройининг «Ахмадзода» халқ чолғу ансамбли, эстрада кўшиқчилиги бўйича «Мафтуна онам» ҳусусий қорхонаси бўлими мудири Жамшид Хамидов, яққон рақс ижрочилиги бўйича 501-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Машхура Пржонова, «Тошкент трактор заводи» ОАЖ жамияти Гуландом Қўранбаева ва жамоа рақси бўйича Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимига қарашли 343-мактабга таълим муассасасининг «Дилором» рақс дастаси ижрочилари қолибларни қўллаб-қувватлашларини мақсадда 343-мактабга таълим муассасаси мудири Нигора Асқарход-

жаева билан боғландик. — Бочамизда 300 нафар кичкинтой таълим-тарбия олади, — дейди у. — Уларга касбига меҳр қўйган, шу билан бирга ёш, гайратли, изланувчан 24 нафар тарбиячи ва 14 та тарбиячиға ёрдэмчи ходимлар таълим-тарбия берадилар. Маънавий-маърифий йўналишда жуда кўп ишларни олиб борамиз. Рус тили, инглиз тили ва рақс тўғраги фаолияти жуда яққон йўлга қўйилган. Мусиқа раҳбари Дилором Мухитдинова тарбиячилар билан ҳам, кичкинтойлар билан ҳам «Дилором» рақс дастасида иш олиб боради. Яқинда кичкинтойларимиз ҳам «Ўзбекистоним — Ватаним маним» фестивалида совиридор бўлишган эди. Мана тарбиячи қизларимиз ҳам қолибларни қўллаб-қувватлашларини мақсадда иш олиб боради. Бу албатта меҳнатларимиз самараси. «Интиланганга толе ёр» деб бежизга айтишмаган. Биз ҳам барча қолибларни қўллаб келгусида ҳар соҳада етакчи бўлишларига тилак билдириб қоламиз.

Шаҳризода ЮСУПОВА
СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон — сени қўйлайман» санъат фестивалидан лавҳалар
Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар

Транспорт

ТАНЛОВ
ГОЛИБИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИгини таъминлаш ва йўловчилар ҳаётини муҳофазалаш мақсадида кўрик-танлов ўтказиш яққон аниқлашга айланган.

Бу сафарги беллашувда ҳам қатор илғор қорхоналарнинг юзлари ёруғ бўлди. «Ўзбектемирйўлйўловчи» очик акциядорлик жамиятининг йўловчи поездларини рейсга техник ва технологик тайёрлаш филиали кўрик-танловда юқори кўрсаткичга эришди. «Меҳнат муҳофазаси энг яққон ташкил этилган қорхона» деган фахрли номга сазовор бўлган ушбу жамоа мана икки йилдири, бундай қолибларни қўллаб келмоқда. Қолиб қорхона қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

САХОВАТ КЎРСАТГАНИ
УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН МАХСУС ДИПЛОМ БУ САФАР «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИЯТИГА НАСИБ ЭТДИ.

Ногиронлар ижтимоий аҳолининг тикланганида, кўнгли ўқсик инсонлар қалбига ёруғлик ато этиш, саховат кўрсатиш борасидаги беминнат хизматлари учун компания бундай мукофот билан тақдирланди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури асосида ҳам ногирон темирйўлчиларга инсонпарварлик ёрдэми кўрсатиш жараёнлари давом этмоқда.

СОВГАЛАР
ТОПШИРИЛДИ

«ТОШГУЗАР-БОЙСУН-ҚУМҚЎРҒОН» ТЕМИРЙЎЛ ЛИНИЯСИ ҚУРИЛИШИ, ЯНГИ БЕКАТЛАР, ВОКЗАЛЛАР БУНЁД ЭТИЛИШИ АСРИМИЗНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН ЭДИ.

Ана шу улкан темир йўл иншооти фойдаланишга топширилганига бир йил тўлди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат компаниясида уюштирилган анжуман мазкур санага бағишланди.

Унда бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрнатилган фидойи темирйўлчиларга ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тиббиёт

ЯНГИ
ТЎПЛАМ

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА «ХЕЛС-ПРАМ» НОДАВЛАТ НАШРИЁТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТИББИЁТГА ОИД КИТОБЛАР БОСМАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА. «ОНА БЎЛИШ БАХТИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТЎПЛАМ ЭСА ЯҚИНДА ЧОП ЭТИЛДИ.

Уч бўлимдан иборат бу янги нашрда она ва болаларни муҳофиза қилиш билан боғлиқ тиббий жараёнлар мисоллар асосида баён этилади. Туғруқдан кейинги ёш она ва чақалоқ парваришига бағишланган бўлимда эса фойдали маслаҳатлар ўз ифодасини топди.

Тиббий муомала ва методик жараёнларни ўз ичига олган ушбу тўплам вазирилик орқали республикамиздаги туғруқхоналарга ҳам тақдим этилди.

ИЛҒОР
УСУЛЛАР

РЕСПУБЛИКА ОНКОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КУЗАТУВЛАР НАТИЖАСИДА ДАВОЛАШНИНГ ҚАТОР ИЛҒОР УСУЛЛАРИ ЮЗАГА КЕЛДИ.

Аҳолининг лимфома касаллигига чалиниш даражаси ва бош сабабини аниқлаш борасида орттирилган тажрибалар ҳам диққатга сазовордир.

Лимфома ташхисини қўйиш жараёнлари ҳам самарали бўлмоқда. Бунда замонавий ультра-товуш, рентгенологик, торакоскопик ҳамда эндоскопик усуллар қўлланилмоқда. Эндиликда марказ бу каби янги тиббий асбоб-ускуналар ва аппаратлар ёрдамида муолажалар олиб бориш имкониятига эга.

ТЎНҒИЧ ИЛМИЙ
МУАССАСА

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ЎЗИНИНГ 90 ЙИЛЛИК ТАРИХИГА ЭГА.

Ушбу сана яқинда республика миқёсида кенг нишонланди.

Оддий микробиология лабораторияси негизини шаклланиб, ривож топган бу илмий муассасада ҳозир ўндан ортиқ бўлим фаолият юритмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган захарга қарши зардоблар, генетик вакцина штамплари тиббиёт тизимида кенг қўлланилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

ХОЛИС ХИЗМАТ

Кечаси аёлим тўсатдан оғриб қолди. Яқин кўни-кўшнлар орасида шифокор йўқки, унга мурожаат қилсак. Нима қилишни билмай кўшним Саидмуроднинг эшигини тақиллатдим. Хайрият уйда экан эшикни ўзи очди.

— Ука опокиннинг тоби қочиб қолди. Илтимос шундоқ машинада касалхонага оғриб келгин. Йўлқира ҳақини берсам ҳам майли.

— Кўздек кўшнимиз сиздан йўлқира ҳақи олсам уят бўлар. Бизники холис хизмат. Майли, агар жуда кўнглингиз тўлмаётган бўлса беш литр бензин олиб берарсиз, отахон, — деди у жиммайиб.

— Барака топ. Нима десанг шу-да укам, — дедим илтимосимни рад этмагани учун Саидмуродга.

Уйга кириб аёлимни олиб чиққунча бўлмай машина эшигимиз тагида тайёр турибди. Утиришимиз билан касалхона томон қолиб Саидмурод машинани чапга бурди. Боисини сўрасам у:

— Олдин бензин олволайлик, отахон. Кейин бир зумда онахонимизни шифохонага етказамизда, — деди.

Ночор «майли» дедик. Саидмурод машинага бензин қуяркан навбатчидан сўрадим.

— Қанча берай?

— Беш литри 5 минг 125 сўм бўлади ота, — деди у.

— Бу нархни эшитиб «капалагим» учди. Ортиқча гап-сузга ўрин йўқ. Аёлимнинг дарди борган сари кучаяпти. Хайриятки, ёнимда пулим бор экан. Мажбур бўлиб бензин ҳақини тўладим. Йўлда ўзимча ўйланаман. Холис хизмати курсин. Наҳотки касалхона билан уйимизнинг ораси 3 километрдан ошмасу, хо-

автобус бекатида турсам, қаердан пайдо бўлди билмайман, олдимга Саидмурод келди.

— Ха, отахон нима қилиб турибсиз? — деди. Бор гапни мендан эшитгач: — Тайёр машина турганда нима қиласиз автобус пойлаб. Биласиз бизники кўни-кўшни, яқин танишларга холис хизмат. Юринг ўзим олиб бериб қўяман, — деб машинасига қўяра-қўймай ўтказди.

— Ха, энди ука сени тирикчиликдан қолдирмай автобусда кетсам бўлардику, — десам у: «Майли, жа кўнглингиз бўлмаса беш литр бензин олиб берарсиз, деса бўладими?»

Нафасимни ичимга ютиб индамай қолдим. Хуллас холис хизматчи йигит мени анча-мунча бензин пулига туширди. Бошқа киракаш машинага ўтирсам, узоғи билан 2 минг сўм оладиган жойга мендан икки баравардан ортиқроқ ҳақ ундирди у. Шундан бери Саидмуроднинг номини «холис хизмат» қўйиб олганман.

Ҳозир Саидмуроднинг номи таниш-билишлар орасида машҳур. «Холис хизмат» десангиз ҳамма шу йигитни тушунади.

ҲАЛОЛЛИК

Бир дам олиш кўни аёлим билан шкафдаги кийим-кечакларни саралашга тушдик. Қишки кийимларни ҳозирлаб, ёз мавсумида кийиладиганларни шкафнинг бир четига жойладик. Улар орасидан анча-мунча эскирган кийим-кечаклар чиқди.

— Буларни нима қиламиз? — сўради аёлим биз яроқсиз деб билган бир тўп кийим-кечакларга қараб.

— Нима қилардик, йўқотамиз. Балки ахлат машинаси келса бериб юборармик.

ГАП ЭҒАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

лис хизматга 5 мингдан ортиқроқ ҳақ тўласам. Хаёл суриб улгурмай касалхонага етиб келдик. Машинадан тушишимиз билан Саидмурод:

— Отахон, бу ерда узоқ қолсанглар керак. Мен кутиб туролмайман. Қайтишда бирор машинани тўхта-тиб кетарсизлар, — деди. Шошилиб турганимдан оғзимга «майли, раҳмат болам», дейишдан бошқа гап келмади. Касалхонага киришимиз билан дуч келган шифокорга мурожаат қилдик. Дарҳол керакли хонага аёлимни олиб киришдик. Муолажа учун нари борса 15 дақиқа вақт кетди. Эшик тагида хаёл суриб ўтирсам, аёлим ичкаридан соппа-соғ қулиб чиқди. Қўриб хурсанд бўлиб кетдим. «Нима бўпти» десам, «Буйрагимдаги тошим бир оз жойидан кўзгалдан экан, битта укол билан қайтиб кетди», деди.

Шифокорларга миннатдорчилик билдириб катта йўлга чиқдик. Киракаш машиналардан бўлса керак, бир «Тико» хайдовчиси рўпарамизда тўхтади.

— Қаерга олиб бориб қўяй, отахон, деди ҳали машинага чиқиб улгурмасамиздан.

— Ораси яқин, сизни овора қилмай, пиёда кетсак ҳам бўлади, дедим ҳамёнимда минг сўмдан ортиқ пулим қолмаганини ўйлаб.

— Кечаси қариялар туртиниби-суртиниби юрасизларми, ўтиринглар, оғриб қўяман, — дея қўяра-қўймай машинасига ўтказди хайдовчи.

Қўшнимизга-ку беш литр бензин олиб бериб қутулдик. Энди етти ёт бегона бу хайдовчи қанча сўрагани, дейман ичимда. Эшигимиз тагида етиб келиб хайдовчига раҳмат айтиб ҳамёнимдаги охириг минг сўмни қўлига тутиб «кам бўлса ҳам қўп ўрнида кўрасиз, болам» дедим. Хайдовчи пулимни олмади.

Қўйинг-ей отахон, шу арзимас йўлга сиздан пул оламанми, ундан кўра дуо қилинг, дуо ҳам керак-да одамга, — деди.


Фотиҳага қўл очиб барча яққон истақларни билдирдим.

Эртасига чойхонада кечаси бўлиб ўтган воқеаларни биродарим Абдухалилга айтсам, у:

— Эй ўзимизни «холис хизмат» «Саидмуродми?» — деб сўраб қолди. Бош қимирлатиб тасдиқ ишорасини бердим. — Мен ҳам уни холис хизматидан бахраманд бўлганман. «Олой» бозоридан озорқ бозор-ўчар қилиб



Қиш тайёргарликни
ёқтиради
ТАРАДДУ



«3-автобус саройи» акциядорлик жамиятида ҳаракат таркибини куз-қиш даврига тайёргарлик бўйича кенг ҳажмли ишлар амалга оширилди. Қорхонада мавсумий хизмат кўрсатиш жадвали тузилган. Бу жадвалга ўзига қилиш меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзоси учун мажбурий вазифага айланган. Бундай ёндашув қисқа муддатда барча автобуслар, микроавтобуслар ва ҳўжалик транспортларини керакли тарзда тайёрлаш имконини берди. Айна пайтда қозон-хона жиҳозлари, қувурларнинг соз ҳолати таъминланди, сирғалишга қарши воситалар, антифриз, бутловчи қисмлар ва мойлаш материаллари ҳозирлаб қўйилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, акциядорлик жамияти маъмурияти қишга тайёргарлик кўриш жараёнида ишчилар, хайдовчилар таркиби, муҳандис-техник ходимлар меҳнати ва дам олиш учун тегишли шарт-шароит яратиш чораларини ҳам кўришди. Қисқа вақт ичида бу ердаги устахоналар, маъмурий-маиший хоналар, автошоҳбехатлар таъмирланди.

— Умумий ҳисобда бешта шўхбекатни ҳўжалик услубида жорий ва капитал таъмирлаш ишларига 7,9 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди бош муҳандис Тохиржон Исмаилов. — Юқоридагиларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, автосаройга бириктирилган «Пахтакор», «Шифокорлар шаҳарчаси», «Қорақамиш 2/4» автобекатлари мутлақо янги қиёфага эга бўлди ва бизнинг галдаги вазифамиз уларни асраб-авайлашга эътибор қаратиб, бу ерда тартиб ва озодаликни таъминлашдан иборат.

Усмон УСМОНОВ

СУРАТЛАРДА: автоуловлар созилигига эътибор қаратилмоқда.

Муаллиф олган суратлар

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Ким агар севги йўлидан тойса, сўнгра бир умр ажрата олмас йўлида тахт ила зиндонни ул.

Ишқ ўти тушган кўнгулнинг дийдаси бор ўзгача, Бошқалар ҳеч кўрмагани ул кўрар доим аниқ.

Авф саховатли кишиларга файз бағишлайди.

Рангларнинг энг чиройлиси оқ.

Гапнинг оз бўлса ҳам саз бўлгани яхшироқ.

Қоралик — ёшлик зийнати, соч-соқол оқарса, лаззат кетиб, ўлим вақти яқинлашади.

Агар қоралик нарсаларнинг энг асли бўлмаганда, Тангри уни дил ва кўзларнинг ўртасига жойлаштиради.

Қаро тун бўлмаса ой чиқмас эди, Кеча қаро учун ой ярқироқдир.

Гап узун бўлиб бемазалашиб кетганидан оз бўлса ҳам саз бўлгани афзалроқ.

Қиммат баҳо билан мушк қирар қўлга, Бир қоп оқ оҳакни берар бир пулга. Нуксондур йигитнинг кўзидеги оқ, Қаро кўз нигоҳи санчилар дилга.

Тақдирнинг ишларида ажабланарли ҳеч нарса йўқ.

Жабру жафо чекмаган ошиқ борми, ҳеч жаҳонда!

Ўзни хатарга ташламагунча, муродга етиш мушкул.


Адашмас кимки ишқ раҳнамодур, Адашган эгри кўнгил қоп-қародур!

Ошиқу маъшукларга меҳрибонликдир раво.


Агар ҳар ишда хийла этмасанг сен, Ўлим тушга бошингга, одамзод.

Хотин дилда ҳам, тилда ҳам эри билан бирга бўлиши, эри кўпга қодир бўлмаса, оз билан қаноатланиши лозим.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.



Бахтли болалик.



«Ўзбекистон маданият ва санъат форуми» фонди ташаббуси билан юртимиздаги туризмга боғлиқ махсулотлар ва имкониятлар дунёнинг кўплаб мамлакатлари эътиборига ҳавола этилмоқда. Мазкур кўргазма Япония ва Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга, туризм билан шуғулланувчи фирмалар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Спорт янгиликлари ҲАМЮРТИМИЗ — СОВРИНДОР

ШАҲРИМИЗДАГИ ШАХМАТ-ШАШКА КЛУБИДА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ШАХМАТ БЎЙИЧА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ.

Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада олти давлатдан келган 12 нафар иқтидорли «ақл гимнастикаси» усталари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Мурасасиз, қизиқарли кечган баҳслар якунида 11 имкониятдан 10 очко жамгарган қозғонистонлик халқаро тоифадаги гроссмейстер Мария Сергеевага турнир ғолиблиги насиб этди.

Етти очкодан жамгарган бельгиялик Анна Зозуля ва германиялик Елена Левушкиналар эса иккинчи, унчаки ўринларни эгаллашди.

Кувонарли жиҳати шундаки, турнирнинг совриндорлари сафидан қозғонистонлик Гулмира Даулетова, украинalik Евгения Долуханова билан бирга ҳамюртимиз Хулқар Тоҳиржонов ҳам жой эгаллади.

КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

ШАҲРИМИЗДА ТАЭКВОНДОНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ШАХМАТ БЎЙИЧА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ.

Кувонарли жиҳати, ушбу нуфузли мусобақани кузатиб бориш мақсадида таэквондонинг жаҳонга машҳур усталари Тошкентга ташриф буюришди. Уларнинг орасида замонавий таэквондо асосчиси, каратэ устаси Брюс Лининг шогирди Жуи Рининг ҳам борлиги таъжибга сазовор.

«Жар» спорт мажмуасида таэквондо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати муносабати билан уюштирилган матбуот анжуманида мазкур спорт турининг аҳамияти, таэквондо олимпиадага энг сўнгги янгиликлар, ушбу спорт турининг болалар орасида оммаланиши кетганлиги ҳамда келажимиз ворисларининг жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларида таэквондонинг ўрни ҳақида Жун Ри Йиғилганларга маълумот берди.

Анжумандан сўнг ўзбекистонлик ёш спортчилар томонидан тайёрланган кўргазмали чиқишлар жаҳон таэквондо усталари, хусусан Жун Рида катта таассурот қолдирди.

ТУРИЗМ БОРАСИДА ҲАМКОРЛИК

ТОКИОДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН «JATA WORLD TOURISM CONGRESS AND TRAVEL FAIR-2008» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ҲАМ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

роқ этди. Шунингдек, халқаро кўргазма давомида «Офарин» миллий рақс театри жамоаси Япониянинг таниқли санъаткорлари ва рақс дасталари билан биргаликда чиқишлар уюштирди.

Туризм соҳасидаги ушбу халқаро кўргазма ҳар йили сентябрь ойининг иккинчи ярмида анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Бу йилги анжуманда дунёнинг 136 та давлати-

Таъкидлаш лозимки, икки давлат ўртасидаги туризм соҳасидаги ҳамкорлик қатор йиллардан буюн давом этиб келмоқда. 2006 йилда Токиода «Ўзбекистон маданият ва санъат форуми» фондининг ваколатхонаси иш бошлади. Утган давр мобайнида Фонднинг ташаббуси билан кўплаб маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, кўнчиқар мамлакат пойтахтида ўтган «Ўзбекистон фотографияси 125 ёшда», «Ўзбекистон мейморчилиги», «Японияда Ўзбекистон кино кунлари», «Ўзбекистон япониялик болалар нигоҳида» каби ўнлаб тадбирлар икки давлат ўртасидаги дўстона алоқалари янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

«Туркистон-пресс»

КЎРГАЗМАДА ТАРИХ САҲИФАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ ТЎРА КУРЯЗОВНИНГ «ТАРИХ САҲИФАЛАРИ» БАДИИЙ КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Моҳир мусаввир ижодида тарихий-эпик мазму этакчи ўрин тутди. Унинг кўргазмада намойиш этилаётган икки юзга яқин асарлари ана шундай қизиқарли ва ўзига хос мавзуларга бағишланган. Муаллифининг «Карвон», «Хива бозори», «Тупроқ қалъа» каби картиналари шулар жумласидандир.

(ЎЗА)

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБОР

ҚИЛМИШЛАРИ ФОШ БЎЛДИ

СОҒЛИГИМИЗДАН ШИКОЯТ ҚИЛИБ, ШИФОКОР НАЗОРАТИДАН ЎТГАННИМИЗДА АЛБАТТА, У ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ЁЗИБ БЕРАДИ. УШБУ МАХСУЛОТНИ ГОҲ ДОРИХОНАЛАРДАН, КЕЗИ КЕЛГАНДА ЭСА АФСУСКИ, «ҚЎЛ»ДАН ХАРИД ҚИЛИШГА ҲАМ ТЎҒРИ КЕЛИБ ҚОЛАДИ.

Бироқ доимо сотувчига ишониб сифатига доир ҳужжатни талаб қилмай-миз. Дорини истеъмол қилгандан кейин эса, куттилган натижа бўлмай, соғлигимиз ёмонлашса, тўғри ташхис қўйилмаган, деб айбни шифокорга юқлаймиз. Охир-оқибат аниқланганда эса қалбаки, сифатсиз дори воситалари сабабчи эканлиги маълум бўлади. Бизнинг эътиборсиз эканлигимиздан фойдаланган «тадбиркорлар» эса чакана савдоларини йўлга қўйиб, фойдаланиб қоладилар.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, А.Аҳмад ҳамда А.Агамовалар сифатсиз, қонунга зид равишда, инсон саломатлигига фойда келтирадими ёки зарарми тап тортмай дори махсулотларини сотишни ўзларига касб қилиб олганлардан саналади.

Улар даставвал ўзаро тил бириктириб мўмай пул топиш йўлини режалаштиришди. Аҳмад МДХ давлатларидан ноқонуний равишда айланма йўллар орқали, бохжона назоратдан ўтмай дори махсулотларини олиб келиб Агамовнинг уйига келтириб берарди. Кўза кунда эмас, кунда синади деганлари рост экан. Яқинда уларнинг қилмишлари фош бўлди. Олиб берилган тезкор тадбирда фуқаро А.Низомовга тегишли «Дамас» русумли давлат рақами 16 қ 2151 автомашинасининг ҳаракати департамент ходимларида шубҳа уйғотди. Мазкур автоулов тўхтатилиб салони кўздан кечирилганда, М.Низомовга тегишли ҳеч қандай ҳужжатсиз жами 8 турдаги 661 минг 900 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган дори воситаларини сотиш мақсадида олиб кетаётгани аниқланди.

Ўтказилган тадбир давомида М.Низомов дори махсулотларини Шайхонтоҳур туманида яшовчи Агамовдан нақд пулвага сотиб олгани маълум бўлди. Олиб берилган тегишсиз натижасида Агамовнинг

уйидан 5 турдаги 5 миллион 732 минг сўмлик сифати кафолатланмаган, ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган дори воситалари топилди ва далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро А.Агамов ҳамда А.Аҳмадлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига биноан жиноий жавобгарликка тортилди. Энди улар қилган ишларидан пушаймон, ҳаманинги олдида бошлари эгик. Лекин энди кеч. Чунки қонун олдида қилмишлари учун жавоб беришлари керак. Асосийси, улар ўз хатоларини тўғри англаб, тутган йўлининг оқибати ёмон эканлигини кеч бўлсада тушуниб етганмиканлар?

Иброҳим ШОУСОВ, Бош прокуратура кузуридаги СВОЖЖДЛК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. 2008 йил 28 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда. 1. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидагилар: — ЖИБ Тошкент шаҳар Ҳамза тумани судининг 20.02.2008 йилдаги 1-127-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, «ВА3-2103» русумли, д/р 30V8864 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм. — Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 28.01.2008 йилдаги 10-0705/13951-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлимида сақланаётган, «Нексия» русумли, д/р 30L7923 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 000 000 сўм. — ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 11.03.2008 йилдаги 1-975-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси «Файзабод» б/м омборида сақланаётган, «Кадиллак» русумли, д/рсиэз бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 400 000 сўм. — Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 28.01.2008 йилдаги 10-0705/13951-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Миробод тумани Сурхон кўчаси, 30-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1778 кв.м., фойдаланиш майдони 847 кв.м. бўлган, икки қаватли маъмурий бино. Бошланғич баҳоси — 112 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Юнусов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 22.02.2008 йилдаги ЖСК-6/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомашиналарни сақлаш жойида сақланаётган, — «Камаз-5410» русумли, д/р 19A1831 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 000 000 сўм. — «ОАД3-8380» русумли, 1983 йилда и/ч тиркама. Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.

II. Шунингдек 2008 йил 14 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: — Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 29.03.2007 йилдаги 10-0716/1079-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 2-уйда сақланаётган, «ГА3-2417» русумли, д/р 10A1498 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 382 670 сўм. — Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 29.03.2007 йилдаги 10-0716/1079-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 2-уйда сақланаётган, «ГА3-2417» русумли, д/р 10A1560 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 709 179 сўм. — ЖИБ Тошкент шаҳар Учтепа тумани судининг 12.12.2007 йилдаги 1-792/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор 19-дахаси, «Ўтпор» х/к ховлисида сақланаётган, «ИЖ-2715» русумли, д/р 30U8804 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм. — ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 20.01.2007 йилдаги ЖСК-1-687-06-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ жарима майдончасида сақланаётган, «Тойота-Лексус ЛХ-470» русумли, д/р 30U5505 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 106 920 000 сўм.

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимидаги ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 6

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3329 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимидаги ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.